

# Qishloq hayoti

2014 йил Соғлом бола йили

Кишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2014-YIL 13-NOYABR, PAYSHANBA, 135 (8372)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan  
Bahosi kelishilgan narxda.

## ЎЗБЕКИСТОН – ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ

«Туркистон» саройида болалар саломатлигини муҳофаза қилишнинг устувор йўналишлари ва модернизацияси мавзусида мамлакатимиз педиатрларининг VII съезди очилди.



Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Ўзбекистон педиатрлар уюмиси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда сенаторлар, депутатлар, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Австрия, Польша, Ҳиндистон, Россия, Туркия, Чехия, Словакия каби давлатлар ва халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари А.Хаммерих, БМТ Болалар жамғармаси – ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси бошлиғи Р.Фудерич ва бошқалар болалар манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқларини муҳофазалаш, оилада соғлом фарзанд дунёга келиши ва камолга етишини таъминлаш, навқирон авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол этиб вояга етказиш Ўзбекистонда Президент Исроом Каримов раҳнамолигида

амалга ошириладиган ислохотларнинг устувор йўналишини ташкил этишини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда бу йўналишдаги чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этишнинг мустақкам ҳуқуқий механизми яратилган. Ўзбекистонда БМТнинг «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенцияси ва бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинган.

Тиббиёт соҳасини ислох этиш, аҳолининг барча қатлами, жумладан, болаларга жаҳон андозалари даражасида тиббий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизимига асос солинди. «Соғлом она – соғлом бола» мақсадли дастурини изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида кенг кўламли ишлар амалга ошириладиган.

Мамлакатимизда болаларга шошилиш ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари жаҳон андозалари даражасида такомиллашиб бораётган. Бу йўналишда Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказининг педиатрия мажмуаси ва Рес-

публика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази фаолияти йўлга қўйилгани юксак самаралар бераётган. Мазкур тиббиёт масканларида касалликларга ташхис қўйиш ва даволашда илғор тиббий асбоб-ускуналар ва технологиялардан самарали фойдаланилмоқда. Ушбу шифо муассасаларининг вилоятларда ҳам филиаллари ташкил этилгани малакали тиббий ёрдамни болаларга яқинлаштиришда муҳим омил бўлаётган.

Педиатрия хизматини такомиллаштириш ва ўсиб келаётган авлод саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича амалга ошириладиган бундай изчил чора-тадбирлар натижасида юртимизда болалар ўлими кескин камайди, юқумли касалликлар тарқалишининг олди олинмоқда. «Она-бола» скрининг давлат дастурида белгиланган вазифалар ҳаётга татбиқ этилиши туфайли ирсий ва туғма нуқсонли болалар туғилиши 1,8 марта камайди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда вояга етаётган болаларнинг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг стандартларига тўла мос келади. Мамлакатимизда мутлақ соғлом болалар кўрсаткичи йилдан-йилга ошмоқда. Бу соғлом онадан соғлом бола туғилади, деган эзгу тамойилнинг амалдаги ифодасидир.

Президентимиз таъкидлаганидек, фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлур.

Мамлакатимизда тиббий-ижтимоий соҳада эришилаётган бундай ютуқлар халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг оналик ва болаликни муҳофазалашга оид миллий модели тараққий этган мамлакатларга намуна сифатида тавсия этилгани бунинг яққол далилидир.

(Давоми 2-саҳифада)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

13 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси очилади.

12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда ишчи гуруҳ раҳбарининг бўлажак ялпи мажлисни ўтказишга тайёргарлик тўғрисидаги ахбороти тингланди.



Сенат кўмиталарининг раислари кўмиталарнинг мажлислари ўтказилганлиги тўғрисида ва ўн олтинчи ялпи мажлис муҳокамасига киритилаётган қонунлар юзасидан хулосалар ҳамда бошқа масалалар бўйича қарорлар лойиҳалари тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш хусусида ўзаро фикр алмашдилар.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Давлат бюджет, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, шунингдек, 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг кўриб чиқилиши ҳамда тасдиқланишининг долзарблиги ва аҳамиятини алоҳида

таъкидлаб ўтдилар.

Кенгаш аъзолари Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ислох қилиш ҳамда либераллаштиришга, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунларининг муҳимлигини ҳам қайд этдилар. Булар «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муқимлиги тўғрисида»ги, «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекис-

тон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларидир.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати



## АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ — ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ АСОСИ

Конституциямизнинг ҳар бир фуқаро онгу тафаккурида, турмуш шароитида, юртимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда, турли миллатлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини мустақкамлашда муҳим ўрин тутаётганини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Маълумки, ҳар бир давлатда унинг ички ва ташқи сиёсатини тартибга солиш учун турли қонунлар ҳамда қонуности ҳужжатлари қабул қилинади. Уларнинг бош манбаи, шубҳасиз, Конституциядир.

Қабул қилинганга яқинда 22 йил тўладиган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳам мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг амалга ошириладиган туб ўзгаришларда мустақкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, Конституциямиз халқимизнинг иродасини ўзида акс эттирган асосий қонундир. Уни яратишда бой миллий-ҳуқуқий меросдан ташқари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳужжатларига, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, халқаро ҳуқуқнинг барча эътироф этилган қоидаларига қатъий амал қилинган.

Конституциямиз асосида қабул қилинган қатор қонун ва қарорлар эса эзгу ишларимизни янада ривожлантириш, чунончи, мустақиллигимизни мустақкамлаш, турли соҳаларда амалга ошириладиган ислохотларни чуқурлаштириш имконини бермоқда.

Конституциямиз буюк алломаларимиз қолдирган илмий-маданий меросни асраб-авайлашимизга, уларни келгуси авлодларга етказишимизга, ёшларни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилади. Зеро, глобаллашув натижасида тобора кенг ёйилиб бораётган оммавий маданият таъсиридан ёш авлодни ҳимоя қилиш ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир. Уларнинг ҳуқуқий онги ва сиёсий фаоллигини ошириб боришда Конституциянинг аҳамияти катта. Шу жиҳатдан қаралса, Конституцияни барча билиши, унинг нормаларига риоя этиши лозим. Конституциямизни нафақат ўзимиз учун, балки фарзандларимизнинг ёрқин келажаги ва истиқболини кўриш мақсадида ўрганишимиз даркор. Мана шундагина демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этамиз.

Дилшод АШУРОВ,  
Самарқанд шаҳар 8-сон ДНИ нотариуси.



# ЭПИДЕМИОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунда Африканинг Гвинея, Сьерра-Лионе, Либерия, Конго Демократик Республикаси, Нигерия ва Сенегал давлатларида одамлар орасида ўта хавфли вирусли, юқори юқувчанликка эга эбола иситмаси касаллиги бўйича эпидемиологик вазият мураккаблашмоқда. Жорий йилнинг 15 октябрга қадар тўққиз минг нафарга яқин бемор рўйхатга олинган, уларнинг қарийб ярми шу касалликдан вафот этган. Мазкур халқаро ташкилотнинг шу йил 8 августда бўлиб ўтган йиғилишида эндемик ҳудудларда**

**эбола иситмаси бўйича юзага келган ушбу ҳолат “Дунё миқёсидаги хавф” деб баҳоланди. Хўш, ушбу глобал муаммонинг пайдо бўлишига, инсон саломатлиги ва ҳаётига жиддий таҳдид туғдиришига сабаб бўлган омиллар нимадан иборат? Мамлакатимизда ушбу хавфли инфекция кириб келишининг олдини олиш ва касалликдан ҳимояланиш бўйича қандай чора-тадбирлар кўриломоқда? ЎЗА мухбирининг Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Республика Бош давлат санитария ва ҳимоя вақфи САИДАЛИЕВ билан суҳбати шу ҳусусда бўлди.**

демология назорати марказлари мутахассислари, юқумли касалликлар шифокорлари ва вирусологлар иштирокида эбола иситмаси этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхиси, даволаш усуллари, профилактикаси ва эпидемияга қарши курашиш чора-тадбирларига бағишланган семинарлар ўтказилмоқда.

Касалликка қарши курашишнинг муҳим йўналишларидан бири аҳоли ўртасида санитария-эпидемиология тадбирларини юқори савияда ташкил этиш ва тиббий-санитария тарғиботини кенгайтиришдир. Бу борада жойларда зарур чора-тадбирлар ташкил этилаётди. Амалга оширилаётган бундай ишлар натижасида юртимизда санитария-эпидемиология ҳолати барқарорлиги таъминланмоқда.

**– Касалликнинг клиник белгилари қандай намоён бўлади?**

– Эбола иситмаси касаллигининг яширин даври 2 кундан 21 кунгача давом этиши мумкин. Бунда тана ҳарорати кўтарилади, иситма, тич кетиши, қорин ва мушакларда оғриқ, қусиш, милқдан, бурундан, ошқозон-ичаклардан қон кетиши кузатилади. Бундай белгилар аниқланганда зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш керак.

Шуни афсус билан таъкидлаш зарурки, бугунги кунгача касалликнинг махсус даволаш усуллари ва эмлаш воситалари ишлаб чиқилмаган. Касалликнинг профилактикаси сифатида эбола иситмаси авж олган ҳудудларга боришни вазият изга тушгунча тўхтатиш, эпидемия ўчоқларидан бошқа ҳудудларга борганларни тиббий кузатувга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Хонадонларда эса тиббий-санитария маданиятига қатъий риоя этиш, шахсий гигиена, соғлом турмуш тарзига амал қилиш ҳар бир инсоннинг бурчидир. Бу орқали ҳар бир инсон ўзи ва яқинларининг саломатлигини муҳофазалаш, шунинг баробарида юртимизда санитария-эпидемиология муҳитини барқарор сақлашга муносиб ҳисса қўшган бўлади.

**ЎЗА мухбири Баҳор ХИДИРОВА суҳбатлашди.**

– Эбола вируси қўзғатадиган эндемик касаллик асосан Африка қитъаси давлатларида учрайди, – дейди С.Саидалиев. – Ушбу хасталик биринчи марта 1976 йили Конго Демократик Республикаси ҳудудидан оқиб ўтадиган Эбола дарёси бўйида жойлашган аҳоли пунктларида рўйхатга олинган ва шу боис, ушбу ном билан юритила бошланган. Касалликнинг асосий клиник белгиси иситма бўлган боис, эбола иситмаси деб ҳам аталади.

Бугунги кунгача Европанинг бир қатор давлатларида ҳам ушбу касаллик қайд этилган.

Экспертлар фикрича, касалликнинг Африканинг гарбий давлатларида бундай тез тарқалишига соғлиқни сақлаш тизими даражаси пастлиги, эпидемияга қарши кураш хизматлари ва тизимнинг деярли йўқлиги, даволаш-профилактика муассасаларининг шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланмагани, аҳолининг тиббий-санитария маданияти етарли даражада эмаслиги ва касаллик манбаи деб гумон қилинаётган баъзи ёввойи ҳайвонлар гўштнинг истеъмол қилиниши сабаб бўлмоқда.

**– Касаллик бўйича юртимиздаги эпидемиологик вазият, эпидемияга қарши олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳақида тўхталсангиз.**

– Эбола иситмаси минтақамизга хос касаллик бўлмагани учун маҳаллий ҳолат сифатида рўй бермайди. Аммо ҳозирги глобаллашув жараёнида хал-

қаро савдо-иқтисодий, сайёҳлик ва бошқа алоқаларнинг жадал суръатларида ривожланиши, айниқса, ҳаво транспорт орқали йўловчи қатновининг кенгайтилиши дунёнинг исталган давлатида мазкур касаллик кириб келиши ва тарқалиши хавфини юзага келтиради.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ушбу касаллик мамлакатимиз ҳудудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Тошкент халқаро аэропортининг учиб келиш залларига ўрнатилган замонавий тепловизорлар орқали келаётган ҳар бир авиайўловчи тиббий текширувдан ўтказилмоқда. Шундай тепловизорлар сайёҳлар ва тадбиркорлар кўп келадиган Бухоро, Самарқанд, Урганч ва Навоий шаҳарлари аэропортларига ҳам ўрнатилган. Тиббий текширувларни ўтказишга “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг санитария-назорат бўлими мутахассислари билан бир қаторда Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли вирусология ва эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-тадқиқот институтлари клиникалари шифокорлари ҳам жалб этилди.

Давлат чегараларини кесиб ўтиш жойларидаги санитария-назорат пунктларида мамлакатимиз ҳудудига кириб

келаётган фуқаролар замонавий пирометрлар (масофадан тана ҳароратини ўлчаш жиҳози) ёрдамида текширилмоқда. Барча санитария-назорат пунктлари мутахассислари етарли миқдорда замонавий шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган.

Агар авиайўловчилар ва мамлакатимиз чегараларини кесиб ўтаётган фуқаролар орасида касалликка гумон қилинганлар аниқланса, санитария-назорат бўлими ходимлари, аэропортда навбатчилик қилаётган мутахассислар ҳамда аэропорт тиббий пункти тиббиёт ходимлари билан биргаликда тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади.

Вирусология илмий-тадқиқот институти клиникасида эбола касаллигига гумон қилинганларни госпитализация қилиш мақсадида босими бошқариладиган махсус бокслар ҳозирланган. Клиникада етарли миқдорда зарур дори-дармонлар, шахсий ҳимоя ва зарарсизлантирувчи воситалар захираси тайёрланган. Вилоят юқумли касалликлар шифохоналарида ҳам захира яратилди.

2014 йилнинг октябрь ойидан хорижий сафардан қайтаётган юртдошларимизнинг саломатлиги юқумли касалликлар шифокори билан кучайтирилган таркиб ёрдамида тепловизорлар воситасида назорат қилиб борилмоқда.

Врачлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг хушёрлиги, билим ва савиясини ошириш мақсадида санитария-эпи-

## БЕБАҲО ҲАЁТИМИЗГА БЕПАРВО БЎЛМАЙЛИК

**Мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимизда аҳоли турар-жойлари ва иқтисодиёт тармоқларининг ёнғин хавфсизлигини таъминлашга катта эътибор қаратилиб, мазкур соҳада масъулиятни янада ошириш, тизимнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан жорий йил ноябрь ойининг учинчи ўн кунлигидан бошлаб юртимиз миқёсида “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” ўтказилади. Ушбу тадбирнинг барча қорхона, ташкилот, муассасаларда ҳамда маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинларида уюшқоқлик билан ўтказилишини таъминлашда, ёнғинларнинг олдини олиш ҳамда бундай ҳолатларнинг бартараф этилишида фуқароларнинг фаол иштироки зарур.

Барча меҳнат жамоалари, таълим-тарбия ва даволаш муассасаларида, маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинларида аҳоли билан учрашувлар бўлиб ўтади, ёнғин хавфсизлиги қоидалари тарғиб этилади. Шунингдек, ёнғинни бартараф этишга оид эслатма, плакатлар ишлаб чиқилади ва аҳоли ўртасида тарқатилади. Айниқса, куз-қиш ойларида хонадонларда содир бўлади-

ган ёнғинларнинг келиб чиқиш сабаб ва оқибатлари фуқароларга тушунтириб борилади.

Қонун-қоидани билмаслик айб эмас, балки уни билишга интилмаслик, ҳуқуқий онгни шакллантирмаслик, ҳуқуқий саводхонликни оширмаслик ва қоидаларга амал қилмаслик айбдир. Бугунги кунда соҳага оид ҳуқуқий онг ва саводхонликни ошириш, шакллантиришда “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” тадбирининг мазмун-моҳияти, соҳа вакиллари олдига қўйилган вазифаларни аҳолига тушунтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта бўлмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг ўтган 10 ойи давомида шу мақсадда муайян ишлар амалга оширилиб, аҳоли турар-жойлари, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида ёнғинларнинг олдини олиш, ёнғин ўчириш қисмлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, меъёрий-ху-



ЎЗА сурати.

қуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда қатор ижобий натижаларга эришилмоқда.

Бундан ташқари, 2014 йилнинг ўтган 10 ойида республикамиз ҳудудида 10796 та ёнғин ҳодисаси содир бўлиб, уларда инсонларнинг тан жароҳати олиш ҳолатлари 441 тани, вафот этганлар сони эса 101 тани ташкил этди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, фуқаролар қишининг совуқ кунларида хонадонларини иситиш мақсадида турли иситиш мосламаларидан, баъзан кўп қаватли турар-жойларда яқка тартибдаги иситиш қозонларини ўрнатиб фойдаланаётганининг ҳам гувоҳи бўляпмиз.

Сўнги пайтларда кўп қаватли турар-жойлар орасидаги йўлларнинг ҳар хил сунъий

тўсиқлар билан тўсиб қўйилиши, айрим ҳудудларда баланд панжаралар ва бинолар қуриб олиниши, тунги вақтда шахсий автомобилларнинг тартибсиз сақланиши каби ҳолатлар Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларига бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Яъни ёнғин содир бўлган ҳудудга ўт ўчириш ходимларининг етиб бориш вақтини узайтириб, ёнғин майдони кенгайиб кетишига, инсонларни қутқариш учун автонарвонларни ўрнатишга ҳалақит бериб, фуқароларнинг йиллар давомида машаққатли меҳнатлари эвазига барпо этилган бино, иншоот ва мол-мулкни қисқа фурсат ичида ёниб кулга айланиши, энг ачинар-

лиси, ёнғин оқибатида одамларнинг тан жароҳати олиши ва вафот этиши каби ҳолатларни келтириб чиқармоқда.

Содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш ва уларнинг аянчи оқибатларидан аҳолини яна бир бор огоҳ қилиш мақсадида ўтказилаётган кенг қамровли “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” тадбирларидан барчанинг фаол иштироки этишини сўраймиз. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилсангиз, ўзингиз ва яқинларингизнинг мол-мулкни, соғлиғи, қолаверса, ҳаётингизни ўт балосидан асраган бўласиз.

**Дилмурод ВАЛИЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁХББ бўлим бошлиғи,  
подполковник.



ЯНА ТҮЙЛАРИМИЗ ҲАҚИДА



# ЎЗИМИЗ ТҮҶИГАН УРФЛАР

## УЛАРГА ҲАРАЖАТ ҚОЛМАЯПМИЗМИ?

Тўй – ота-она муроди, яқинлар дийдорлашуви. Тўй – энг яхши тилаклар, энг эзгу дуолар айтиладиган кун. Шунинг учун хайрлашув онларида «Тўйларда кўришайлик!» деймиз. Кимдандир миннатдор бўлсак: «Топганингиз тўйга буюрсин!» дея алқаймиз. Тўй – ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллагани сир эмас. «Икки ёшнинг бахт оқшоми», дея таъриф бериладиган никоҳ тўйларимиз ва у билан боғлиқ барча маросиму урф-одатлар ҳаётимиз саҳнасидаги манзаралар эканини дил-дилдан ҳис қиламиз. Истиқлол даврида олиб борилаётган тарғибот самарасида тўй-ҳашамларни ўтказиш анча тартибга тушди. Аньаналар, урф-одатларни керак, нокеракка ажратиб, ортиқча сарф-харажатларсиз, пешона тери билан топилган маблағларни ўринли сарфлаб қилинаётган бундай тўйлар ҳар жиҳатдан ибратга лойиқдир.

### ҚАЙНОНА ИБРАТИ – ЭНГ ЯХШИ МАКТАБ

Гулҳаё олий ўқув юртига имтиҳон топширди. Шартномавий тўлов асосида ўқишга қабул қилинибди. Ота-онасининг шартига кўра, агар у фақат давлат бюджети асосида ўқиса, ўқийди, бўлмаса, турмушга чиқади. Гулҳаё нима қилсин? Тўй таратдудди бошланди. Гулҳаё кув бўлмиш йигит билан учрашди. Ўқиш орзуси армонга айланаётгани боис қизга тўй ҳам аҳамиятсиз бўлиб кўринди. Индамай розилик берди. Тез орада тўй ҳам бўлиб ўтди. Ихчам, ортиқча дабдасиз ўтган тўй Гулҳаёга ҳам, ота-онасига ҳам у қадр ўтиришмади. Куёв томон қизнинг ота-онасига сепни катта қилишига, ҳашамдор мебеллару жиҳозлар олишига йўл қўймади. «Ўзимизда етарли, ортиқча харажат керак эмас». Келиннинг уйига дабдаба билан «Лимузин» келмади. Тўйда машҳур санъаткорлар навбат кутиб қолмади. Чарлару бошқа урф-одатлар ҳам ихчамгина ўтди. Холбуки, куёвнинг оиласи ўзига тўқ хонадонлардан эди. Гулҳаё «турмушда ҳам омадани келмади», деб ўйлади...

Аммо унинг омади келган эди. Маданиятли, узокни кўзлайдиган оилага келин бўлганди. Бу тўйдан бир неча кундан сўнг маълум бўлди. Нонушта пайтида қайнонаси унга бир қоғоз тутқазиб деди: «Қизим, биз шартнома пуллари тўлаб келдик, энди ўқишга бораверсангиз бўлади». Кейин билдики, Гулҳаёнинг ўқишга кирганини билган бўлажак қайнонаси Саодат опа уни ўқитиш учун тўй харажатларини қисқартирибди...

### ТҮЙЛАР – ҲАРАЖАТ...

Х а, тушунган инсонлар ҳаёт йўлларида мана шундай мезонларга таянадилар. Лекин тўйга ҳозирланаётган ҳамма хонадонда Саодат опадек оқила аёллар борми? Агар бўлганида, биз тўй мавзусига такрор-такрор қайтармидик?

Аньанавий тарзда келаётганлари-ку майлига, «замонавий» орзу-ҳаваслар билан бойитилган ёки қайси бир миллатларга тақлидани никоҳ тўйларимизга кириб келаётган одатларни кўриб, тўй баҳона ўзимиз тўқиган тўрларга тобора қаттиқроқ ўралиб-чирмашиб бораётганимиз гўё.

Анджонда (яна водий та-

рафлардаги баъзи ҳудудларда) «мазар еди» деб аталган бир одат бор экан. Унга кўра, қиз узатган хонадондан куёв тарафга қирқ кунгача уч маҳал таомлар йўқлови юборилади. Эҳтимол, қачондир янги ҳаёт бошлаган ёшларга мадад бўлиш маъносида камхаржроқ оилага қиз берганлар бу одатни бошлаб бергандир.

Келинг, мулоҳазага киришмасдан аввал рақамларга мурожаат қилайлик: Истиқлол йилларида аҳоли жон бошига тўри келадиган гўшт истеъмоли 1,3 баробарга, сут ва сут маҳсулотлари 1,6 карра, картошка 1,7 баробар, сабзавотлар 2 марта, мевалар 4 баробарга ошган.

Бу – мутахассислар томонидан истеъмоли учун мақбул ҳисобланган меъёрдан кўпдир. Бугун бозорлар, супермаркетлар расталарини тўлдириб турган авваллари бўлмаган кўплаб неъматлар дастурхонимизни беэмомликда. Мадомки, шундай тўқчилик, тўқислик даврида яшаётган эканмиз, куёвнинг уйига эрталаб сомса, патир, қаймоқдан тортиб асалгача (кейинги йилларда бу санокча қуюлтирилган сут, кофе, турли ширинликлар ҳам қўшилган) юбориш шартмикан? Тушда, кечликда яна иссиқ овқат...

Бир кун ош, бошқа кун манти каби тансиқ таомлар... Бу шу замон учун мосмикан? Мулоҳаза қилиб қаралса, бу одат кудалардан бир томонни уятга қўйишга ҳам ўхшайди. Шунингдек, куёвнинг ориятига тушган доғ эмасми?

Ёки Хоразм тарафларда янгидан урфга кирган «гулянка» деган (номини қаранг!) гаройиб одатга эътиборимизни қаратайлик. ФХДЁ бўлимига расмий никоҳдан ўтишга кетаётган ёшлар ўнгача машинага ўтириб, карвон бўлиб олишар экан. Тўхтовсиз сигнал чалиб, пойга қилаётган машиналар кабинасидан ярим белигача чиқиб шампан виносини очаетган йигитлар, қадаҳлар жангани – ҳаммаси кўшилиб, «гулянка»нинг умумий манзарасини ташкил қилади. Расмий никоҳдан кейинги кафедаги ўтириш, санъаткорлар ташрифи, машиналар учун кетган маблағлар бир тўй харажатига яқинлашиб қолмайдими? Бу янги тўйдан аввал «тўйча» ўтказиш қандай моҳият касб этади?

Тўй – икки ёш ҳаётининг дебечаси. Эртаги турмушида уларга кўп нарса керак бўлади. Бирини ўйламай сочиб, тўйдан сўнг иқтисодий танг аҳволга тушиб қолган хонадонлар йўқми? «У кам, бу кам» деган гиди-бидилар баъзи ҳолларда оилавий ажралишларга олиб келаётгани ҳам сир эмас.

Ҳар бир ҳудуднинг тўй-ҳашамлар борасида ўзига хос чиройли удумлари, одатлари бор. Лекин ўша чиройга соя ташлаётганлари ҳам кам эмас.

**ҚИССАДАН ҲИССА:** Биз аксарият ҳолларда давр тўқчиларида юзага чиқаётган нуқсонларни четдан бўлаётган таъсирлар билан боғлаймиз. Агар ўзимиз, тўқиган тўрларга ўралашмасак, ҳар бир қадамимиз, хатти-ҳаракатимизни ақл тарозисидан ўлчаб яшасак, четдаги таъсирлардан ҳадиксирашимизга ҳожат қолмасди. Зеро, «тўй» дегани елиб, югуриб, ҳориб-толиб, борингни сочиб, ҳаётдан тўй дегани эмас, фарзандларинг қувончига шерик бўлиб, бахтга тўй, деганидир.

Анвар ҚУЛМУРОДОВ

Водий тарафларда янги келинчак тушган хона деворларининг тўрт тарафига гир айлан-тириб осилган, тўрт фаслга мослаб тикилган бош-оёқ либосларни кўрганда, бош айланиб, кўз тинади.

– Вой-бў, роса зўр-ку! Кўйлаги, шиппаги, сумкасининг рангигача бир хил!

– Пальтонинг ўзидан учта, – деган ҳайратомуз гаплар қулоғингизда қолади.

Хўш, кейин-чи? Ота-она рўзгордан сиқиб ёки қарз кўтариб харид қилган бу кийим-кечаклар эртага урфдан қолгач, ёшлар уларни киядими? Ёки ёшларга улар маъқул бўлмаса-чи. Сандиқзада бўлиб, куяга ем бўлиб ётмайди-ми? Бугун олқишу ҳайратга сазовор бўлган либосларга кетган маблағ сувга оққан бўлмайди-ми?

Ёки Қашқадарё, Сурхондарё тарафларда келинчакнинг уйини ясатиш учун қилинаётган тах-тах кўрпа-кўрпачалар ҳақида нима дейсиз? Пойтахт ва унинг атрофларида яқин-яқингача фотиҳа тўйларида куданикига нари борса, 4 хил овқат жўнатилади. Кейинги пайтларда (фотиҳа тўйини ихчамлаштириш долзарб масала бўлиб турган бир пайтда) кудалар бир-бирлариникига патнисда пишган кўзичоқ жўнатишяпти. Бунақа пойга кетаверса, эртага нима бўлади?!

### ҚУВОНЧГА ШЕРИК БЎЛИНГ

Хозирги вақтда мамлакатимизда яшаётган ҳар учта оиланинг биттаси шахсий энгил автомобилга эга. Юртимиздаги ҳар 100 та оилага ўртача 80 та музлаткич, 146 та телевизор тўри келмоқда. Баъзи оилаларда икки-учтадан телевизор бор. Шунингдек, аҳолининг кир ювиш машинаси, чангютгич, микротўқинли печлар, шахсий компьютер ва бошқа зарур воситалар билан таъминланиш даражаси ҳам ортиб бормоқда. Агар тўй-ҳашамлардаги юқоридагидек нокерак урф-одатлардан воз кечсак, бу рақамлар салмоғи яна ҳам ортади.

Яқинда маҳалламиздаги ёшлардан бири ўзаро суҳбатда: – Фалончи акам (гап ўша менга ҳамсуҳбат йигитнинг маҳалладоши ҳақида кетяпти) севган қизига: «Менга турмушга чиқасизми?» дея таклиф қилиш учун 20 миллион сўм сарфлади. Кафе хизматчилари, мусиқачилари кун бўйи фақат шу таклиф маросимда икки севишганга хизмат қилишди. Гулдастанинг ўзи 500 минг, тақдим этган узуги эса 10 миллион сўм тураркан, – деди.

Аслида европаларга хос бўлган бу одат бизда энди урф бўлмоқда. Эҳтимол, ёш суҳбатдошимизнинг гапида андак муболаға бордир. Ақаси 20 миллион эмас, 10 миллион сўм сарфлагандир. Лекин бирига кўнгил изҳор қилиш учун (аслида бу номига, агар улар турмуш қуришга рози бўлмаганда бу «тадбир» ҳам ташкил этилмасди) шундай йўл танлаш шартми?

# САРМОЯДАН КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОР БЎЛМОҚДА



Хар қандай корхона молиявий инқирозга юз тутса, ўз-ўзидан аёнки маҳсулот ишлаб чиқариш тўхтайди, иш ўрни йўқолади ва банкрот аҳволга тушиб қолади. Бу эса ижтимоий-иқтисодий барқарорликка путур етказди... Агар ночор корхона молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланса-чи... Юртимизда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш, яъни ишлаб чиқаришни қайта тиклаш ҳамда сифатли ва экспортбоп маҳсулотлар турини кўпайтириш мақсадида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ иқтисодий ночор корхоналарни қайта тиклаш, уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш,

ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнига инвестицияларни, шу жумладан, тижорат банкларининг маблағларини кенг жалб этиш белгиланди.

Бу борада Соғлом бола йилида «Агробанк» акциядорлик тижорат банки томонидан мазкур Фармонда белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида кенг қўламли ишлар

олиб борилмоқда.

Жумладан, умумий қиймати 41,8 миллиард сўм бўлган 14 та иқтисодий ночор корхона банк балансига қабул қилиниб, улар негизда 12 та янги корхона ташкил этилди.

Иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини қайта тиклаш, модернизация ва реконструкция қилиш мақсадида жами 37,3 миллиард сўм инвестиция киритилди. Натижада 600



дан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди. Бу эса аҳоли фаровонлигининг ошишида муҳим омил бўлаётди.

Корхоналар томонидан ўтган давр мобайнида 16,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 1,6 миллион АҚШ доллари миқдоридан

маҳсулот экспорт қилинди. Фаолияти қайта тикланган 12 та корхона бозор баҳосида салоҳиятли инвесторларга сотилди. Тадбиркору ишбилармонлар бу борада олиб борилаётган ишларни ижобий баҳолаб, ўзларининг илиқ фикрларини билдиришмоқда.

## Азиз АКРОМОВ, Кўқон шаҳридаги «Premium Leather» МЧЖ раҳбари:

– Кўқон шаҳрининг марказидаги терини қайта ишлашга ихтисослашган корхона олдидадан ҳар сафар ўтганимда бир вақтлар иш қайнаган масканнинг ташландиқ аҳволга тушиб қолганидан кўнглим хира бўларди. Президентимиз ташаббуси билан бошланган тадбирлар натижасида банкрот корхона кўшимча инвестиция киритиш орқали фаолиятини тиклаш мақсадида «Агробанк» АТБ балансига берилди. Терини қайта ишлаш борасидаги тажриба бизга асқотди. Корхона фаолиятини қайта тиклашда банк билан ҳамкорликни бошладик. Реконструкция қилиш, замонавий ускуналар ўрнатиш, самарали бошқарув тизимини йўлга қўйиш, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош, сифатли ва арзон маҳсулот ишлаб чиқариш каби масъулиятли вазифалар олдимизда турарди.

Банк томонидан йўналтирилган 20 миллиард сўмдан зиёд инвестиция ҳисобига корхонанинг ишлаб чиқариш иншоотлари қайта таъмирланди. Коммуникация тизими янгидан барпо этилди. Оқова сувларини тозалаш тизими тўлиқ қайтадан тикланди. Хориж технологиясига асосланган ускуналар ўрнатилди. Замонавий технологиялар сабаб, иш унуми ошиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Агробанк»нинг молиявий кўмаги, банк мутахассисларининг маслаҳати эвазига бугунги кунга қадар жами 13,4 миллиард сўм миқдоридан маҳсулот ишлаб чиқардик. 955 минг АҚШ доллари миқдоридан маҳсулотни экспорт қилдик. Энг муҳими, 96 нафар кишининг бандлигини таъминлашга эришдик. Маҳсулот сифати яхшилангани боис хорижлик харидорларнинг талаби ҳам ошиб бормоқда. Бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда. Ҳозирда корхонанинг бўш турган майдонларидан самарали фойдаланиш мақсадида кўшимча пойабзал ишлаб чиқариш цехини йўлга қўйдик. Натижада 435 миллион сўм миқдоридан маҳсулот ишлаб чиқаришга эришдик. Маҳсулотлар буюртма асосида харидорларга етказиб берилмоқда.



## Муродхон ЖЎРАЕВ, Янгийўл туманидаги «Grand Eco Products» МЧЖ раҳбари:

– Кейинги йилларда юртимизда мева ва полиз маҳсулотларини кўпайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Иқлими ва ер майдонлари мослашган бир нечта туманларнинг боғдорчилик ва сабзавотчиликка айлантирилиши қайта ишлаш соҳасининг янги ривожланиш босқичига чиқишига кўшимча туртки бўлди. Ушбу имкониятлардан фойдаланиш мақсадида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган банкрот ҳолатидаги корхона фаолиятини банк билан ҳамкорликда тиклашга бел боғладик. Иқтисодий ночор корхона фаолияти 800 миллион сўм кўшимча инвестиция ҳисобига



## Акбар ШОКИРОВ, Боғдод туманидаги «White chickens» МЧЖ раҳбари:

– Айни пайтда иқтисодий ночор корхоналарнинг эскирган асбоб-ускуналари инвестициялар ҳисобига модернизация қилиниб, фаолияти қайта тикланмоқда. «Агробанк» томонидан киритилган инвестиция эвазига замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган бройлер товуқ гўшти етиштиришга ихтисослашган «White chickens» МЧЖни аукцион савдолари орқали сотиб олдик.

Паррандачилик корхонасида товуқларни парваришлаш, инкубатория, озуқа тайёрлаш цехлари, лаборатория ҳамда маҳсулот сақлашга мўлжалланган музлаткич мавжуд. Хориждан келтирилган, замонавий ярим автоматлаштирилган ускуна ва технологиялар билан жиҳозланган корхона йилига 1800

тўлиқ қайта тикланди. Жорий йилнинг июнь ойида дастлабки маҳсулотни ишлаб чиқаришга эришдик.

Бу ерда шу кунга қадар 2 миллиард сўм миқдоридан 1000 тоннадан зиёд мева-сабзавотлар пастаси, 200 минг дона концентратланган маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдик. Ҳозирги кунда маҳсулотни сотиш бўйича иш олиб бормоқдамиз. Хусусан, ички бозорга сотиш учун 760 миллион сўмлик шартномалар имзоланган бўлиб, шундан 110 миллион сўм миқдоридан маҳсулот харидорларга етказиб берилди.

Ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш мақсадида 1,5 миллиард сўм миқдоридан кўшимча инвестиция олишни режалаштирганмиз. Бунинг ҳисобига кўшимча 3 минг тонна мева-сабзавотларни сақлашга мўлжалланган музлаткич ка-

тоннагача товуқ гўшти тайёрлаш имкониятига эга.

Ўтган давр мобайнида банк билан ҳамкорликда амалга оширилган ишлар натижасида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш эвазига харидорлар сони кўпайиб бормоқда. Натижада халқимиз дастурхонига 12,6 миллиард сўм миқдоридан сифатли маҳсулот етказиб бердик. Ушбу ютуқ ва муваффақиятларга эришишда давлатимиз томонидан соҳага қаратилаётган катта эъти-

мераларини келтирамиз. Корхонанинг даромади қарийб 1 миллиард сўмга етиши кўзда тутилмоқда. Олдимизга қўйган режалар самараси яратилган иш ўринлари сонини 50 тадан 150 тага оширишга замин бўлади.

Бундан ташқари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини янада яхшилашни мақсад қилиб турибмиз. Бу эса, ўз навбатида, янги бозорларни ўзлаштириш, жумладан, экспортга маҳсулот чиқариш имконини кенгайтиради ва харидорларнинг бизга бўлган ишончини оширади. Келгусида корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни қуйиш ва қадоқлаш ишларини ташкил қилиш орқали кўшимча даромад олиш ҳамда ишчиларни йил давомида иш билан таъминлашни режалаштирганмиз.

бор, берилган имтиёзлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Бугунги кунда бу ерда 94 киши иш билан таъминланган бўлиб, ишчилар учун барча шароитлар яратилган. Келажакда маҳсулот таннархини янада пасайтириш ҳисобига кўпроқ фойда олиш, банк сармояларини ўз вақтида қайтариш ва, албатта, бу сарф-ҳаракатларнинг натижасида юртимиз иқтисодиётини юксалтиришда оз бўлса-да, ўз хиссамизни кўшишдан иборат.

**М**ухтасар қилиб айтганда, «Агробанк» АТБ иқтисодий ночор корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш, қайта тиклаш ва модернизация қилиш ҳамда улар негизда замонавий янги технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этиш ишларини тизимли равишда амалга оширишда бундан буён ҳам фаол иштирок этаверади.

Озод ОЧИЛОВ,  
«Qishloq hayoti» муҳбири.



**БАРЧА ТУРДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИХАТИДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**1. Жиззах вилояти Галлаорол тумани "Сарбозор" МФЙ худудда жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича Галлаорол тумани судининг маъмурий биноси қурилиши.**

**Бошланғич қиймати:** ҚҚСсиз 1650,252 млн. сўм, ҚҚС билан 1980,302 млн. сўм. **Ишларни тугаллаш муддати:** 225 кун.

**2. Жиззах вилояти Галлаорол тумани суд ижрочилирининг маъмурий биноси қурилиши.**

**Бошланғич қиймати:** ҚҚСсиз 441,266 млн. сўм, ҚҚС билан 529,519 млн. сўм. **Ишларни тугаллаш муддати:** 2015 йил 30 июлгача.

**Ишларни молиялаштириш:** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачининг манзили:** Жиззах шаҳри Ҳратепалик маҳалласи Лойиҳа кўчаси. Телефон: (0-372) 226-26-53, 226-31-75.

**Диққат!** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан бошланғич қиймати 500 млн.

сўмдан кўп бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича бошқа тенг шaroитларда кичик бизнес субъектларига устуңлик берилади.

Ушбу объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов савдоларида фақат қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган ташкилотлар иштирок этишларига руҳсат берилади.

**Танлов савдосида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:** танлов савдоси предметининг 20 % миқдоридидаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

**Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган:** офе-

рентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларнинг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси – **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига** қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Жиззах ш. Ш.Рашидов кўчаси 63-уй 425-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 100 000 сўм ва 150 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати – оферталар очи-лиш куни ва соатигача.

Қайта танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилганидан 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Жиззах шаҳри Ҳратепалик маҳалласи Лойиҳа кўчаси Суд департаменти вилоят бошқармаси биноси мажлислар зали.

**Поставка и продажа тракторов МТЗ и сельхоз.техники производства Беларусь.**



**Гарантия Лизинг**

**Приглашаем к сотрудничеству региональных дилеров.**

Товары сертифицированы, услуги лицензированы.

**Тел.: (99895) 170-08-50.**

**Заводские запчасти для тракторов МТЗ Производство Беларусь**



**Тел.: (99895) 199-31-66, (99893) 504-58-09**

**Продажа всех видов шин для грузовой и сельскохозяйственной техники.**



**Приглашаем к сотрудничеству региональных дилеров.**

Товары сертифицированы, услуги лицензированы.

**Тел.: (99895) 170-32-52, (99893) 377-13-95**

**ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ ВА ФОЙДАЛАНИШ БОШҚАРМАСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**1. «Қашқадарё вилояти Пачкамар аҳоли яшаш пунктидаги 300 ўринли ошхонани капитал таъмирлаш (2-навбат)».**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан бирга 514.380.757 сўм, ҚҚСсиз 428.630.631 сўм.

**Қурилишни тугаллаш муддати** – 100 кун.

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги капитал қурилиш ва фойдаланиш бошқармаси.

**Манзили:** Тошкент шаҳри. Телефон: (0-371) 260-39-96.

**Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш** – Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни бе-

ришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

**Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади:** танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бундан импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшим-

ча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **«Давархитектқурилиш» кўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Қашқадарё вилояти худудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Қарши ш. Хонобод шоссеси кўчаси 46А-уй. Тел/факс: (0-375) 224-05-24, 224-18-33.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 90 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати – оферталар очи-лиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда – Қарши шаҳри Хонобод кўчаси 46А-уйда ўтказилади.

Тошкент ш. Юнусобод т. ҳокимлиги томонидан (12.03.2010 й., реестр № 610/10) "RADIUS GROUP" МЧЖ (ИНН 301480961) номига улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш учун берилган УС № 006302 рақамли лицензия йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянные план БТИ и дубликат гос. ордера № 05-01/7982 от 06.03.1993 г. права собственности на квартиру расположенной по адресу: массив Тансиқбаева-1 д. 15 кв. 26 г. Ташкента на имя Мамашариповой Жамилы, считать недействительными.

Тошкент ш. Олмазор т. ТСРҮИда (реестр № 000903-05, 18.04.2011 й.) рўйхатга олинган "ВАНРОМБЕК-ОМАН" МЧЖнинг Устав фонди 18 101 364 сўмдан 11 598 200 сўмга камайиши муносабати билан даъволар +99893 680-01-60 тел. орқали қабул қилинади.

Утерянные: план и кадастровые документы квартиры расположенной по адресу: г. Ташкент Чиланзар-31 д. 45 кв. 213 выданные БТИ Чиланзарского р-на на имя Джаханова Бахтияра Батировича, считать недействительными.

ЧП "ADDA-TEXSERVIS" (ИНН 203135568) зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Як-касарайского р-на г. Ташкента (№ 002413-11, 21.06.2006 г.) расположенное по адресу: ул. А.Аскарова 28, ликвидируется (решение учредителя № 3 от 05.11.2014 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления по тел.: 175-51-13.

**SOTILADI:**

**QOQ'OZ**

**OFSET 55,70. 80 gr.**  
**ETIKETKALAR uchun (UPM Finlyandiya) 80 gr.**  
**MELOVANNAYA 90, 115, 128, 148, 170, 200, 250 gr.**  
**QADOQLASH UCHUN (KRAFT) 60, 70, 80 gr.**  
**QOQ'OZ QOPCHALAR UCHUN (KRAFT) 60,70 gr.**

**Shuningdek, QALIN QOQ'OZ**

**SYELLYULOZA 210, 230, 250, 270, 300 gr.**  
**DYUPLYEKS 250, 300, 350 gr.**

**«ABSOLUTE BUSINESS TRADE» XK**  
xizmat ko'rsatadi

Mahsulotlar sertifikatlangan  
Xizmatlar litsenziyalangan



**+99895 194-00-14,**

**ПРОДАЁТСЯ:**

**БУМАГА**

**ОФСЕТНАЯ 55, 70, 80 gr.**  
**ЭТИКЕТОЧНАЯ (UPM Финляндия) 80 gr.**  
**МЕЛОВАННАЯ 90, 115, 128, 148, 170, 200, 250 gr.**  
**УПАКОВАННАЯ (КРАФТ) 60, 70, 80 gr.**  
**МЕШОЧНАЯ (КРАФТ) 60, 70 gr.**

**А также, КАРТОН**

**ЦЕЛЛЮЛОЗА 210, 230, 250, 270, 300 gr.**  
**ДЮПЛЕКС 250, 300, 350 gr.**

Услуги оказывает:

ЧП «ABSOLUTE BUSINESS TRADE» Товары сертифицированы  
Услуги лицензированы

**+99898 362-91-11**

Аргентинада "Музлик даври" мультфильми қахрамонларига ўхшаш ҳайвоннинг 1,5 метрлик суяги топилди.

## «МУЗЛИК ДАВРИ» ҚАХРАМОНЛАРИ ҲАЁТИЙМИ?

Аргентиналик қурувчилар Санта-Фе провинциясидаги Сан-Лоренсо шаҳрида бино пойдевори остидан гаройиб ҳайвон суягини топилди.

Олимларнинг тахминига кўра, топилма – узунлиги 1,5 метрдан ошадиган суяк бундан 10 минг йилча аввал яшаган йирик сут эмизувчига тегишлидир.

Тадқиқотчилар ушбу топилма таҳлиллардан сўнг қайси давр ва қандай ҳайвон турига тааллуқли эканлиги янада аниқроқ бўлишини айтишмоқда. Энг муҳими, ушбу ҳайвоннинг "Музлик даври" мультфильми қахрамонларига жуда ўхшашлиги қизиқарлидир. Олимлар шу ер яқинида бошқа суяклар ҳам топилиши мумкинлигини тахмин қилишмоқда.

## ШАРҚИЙ СИЧҚОНЧАЛАР

Япониялик биологлар териси тўла рангсиз, ички органлари кўриниб турувчи лаборатория сичқонларини ўстиришга муваффақ бўлди. Бироқ олимлар томонидан қўлланилган усул тажриба учун танланган кемирувчиларнинг ўлимига сабаб бўлди.



Тадқиқот RIKEN илмий-тадқиқот институти, Токио университети ҳамда Япония фан ва технология агентлиги олимлари томонидан ўтказилди. Ундан кўзланган асосий мақсад сичқонлар организмдаги қонга қизил ранг бериб, кўплаб тўқималарда сақланиб қолувчи гема мажмуавий бирлашмаларни олиб ташлаш эди.

Тадқиқот давомида сичқонлардаги қон махсус суюқлик билан алмаштирилиб, танага гемаларни йўқотувчи реагент

уюборилди. "Биз ўзимиз ҳам сичқонлар танаси бутунлай рангсиз тусга кириб қолганидан ҳайрон бўлдик", дейишмоқда олимлар.

Қайд этилишича, тананинг рангсиз бўлиб қолгани ҳайвонлар анатомияси ва айрим касалликлар ривожланишини ўрганишга анча ёрдам беради. Олимлар ҳозирда сичқонлар ҳаётини сақлаган ҳолда уларнинг танасини рангсиз ҳолатга келтириш йўлини изламоқда.

РУҲИЯТ МАНЗАРАЛАРИ



## Ялқовликни енгиш мумкин!

Одатда дангасалик иллат ҳисобланади. Баъзан эса хасталик дейилади. Руҳшуносларнинг фикрича, ялқовлик – ортиқча руҳий ва жисмоний зўриқишга қарши ҳимоя. Луғатда эса "Ялқовлик – меҳнат қилишни хоҳламаслик, ишқ-маслик, дангасаликка мойиллик", деб изоҳланади.

Аммо дам олиш билан ялқовликнинг фарқига бориш лозим. Баъзан инсон фаолиятдан завқ олмаслиги, баъзан эса сурункали ишлаш дангасаликни келтириб чиқариши мумкин. Демакки, ялқовлик сабабларини билсак, уни енгиш осон кечади. Масалан, ишқ-маслик одам организмнинг руҳий ва жисмоний толиқишдан пайдо бўлса, уни мириқиб дам олиш орқали бартараф қила билади. Бунинг учун дам олиш кунларида уйкуга тўйиш, очик ҳавода сайр қилиш, кўнгилочар масканлар, хусусан, театр, музей, кинога бориш тавсия этилади.

Яна бир ҳолат – руҳий толиқиш инсон ҳаракатларининг сустлашуви, ҳаётга, ишга иштиёқнинг йўқолишига, пировардида ялқовликка олиб келиши кузатилади. Бунда одам ҳар бир ишни юзаки бажаради, фойдали иш коэффиценти тушиб кетади. Бу ҳолат инсон соғлиги билан боғлиқ бўлгани боис, уни енгиш анча мушкул. Витаминлар, тоза ҳаво, жисмоний машқлар, ижобий ҳиссиётлар, қизиқарли адабиёт ва вақт ёрдамидагина ана шу ҳолатдан чиқиб кетиш мумкин.

Қаршилиқ оқибатидаги ялқовликни биласизми? У бажарилаётган ишнинг кераксиз эканлигини англаш боис истак-хоҳиш йўқолиши натижасида ишга нисбатан қаршилиқ пайдо бўлишидир. Яъни, мақсадсизлик инсонни ялқовга айлантириб қўяди. Бундай ҳолатга тушмаслик учун ҳар бир ишнинг ижобий томонлари ҳақида ҳам ўйлаш лозим. Режали фаолият ва, албатта, ўзингизни рағбатлантириб фаолият юритсангиз, ниятга етасиз.


Ялқовликнинг сурункали руҳий хасталик шаклидагиси ҳам бор. Унинг белгилари – пассивлик, тартибсизлик, ўз муаммоларни мустақил еча олмаслик, атроф-муҳитдан наҳот кутиш билан изоҳланади. У фақатгина малакали руҳшунос ёрдамида ечимини топади.

Хуллас, оптимистик кайфият, иштиёқ ва мақсадга интилиш орқали ялқовлик устидан ғалаба қозониш мумкин. Тўғри ташкил этилган дам олиш ва иш жадвали ҳеч қачон ишқ-маслик касали пайдо бўлишига йўл қўймайди.

Феруза ТОИРОВА тайёрлади.

## ВИРУС — ИДРОККА ЧАНГ СОЛАДИ

Америкалик олимлар соғлом одамларнинг кўникмаларига таъсир қилувчи вирусни топди.



Небраска университети қошидаги Жон Хопкинс тиббий мактаби мутахассислари олиб борган тадқиқотга кўра, мазкур вирус аввал соғлом одам организмда учрамаган. Вирус кутилмаганда одам томоғидаги микробларни ўрганиш вақтида топилган.

Тадқиқотда иштирок этган 90 кишидан 40 нафари мазкур вирус тарқатувчиси бўлиб чиқди. Танасида вирус бор-

лиги аниқланган шахслар тестларда тезлик, визуал қабул қилишдаги аниқлик ҳамда эътибор бериш даражаси билан боғлиқ қониқарсиз натижа кўрсатди.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, одамлар ўртасидаги руҳий фарқлар кўп ҳолатларда уларнинг гени билан боғлиқ бўлади. Бироқ баъзан одам танасидаги микроорганизмлар ҳам руҳий фарқларни келтириб чиқаради.

АҚШдаги Юта университети Тиббиёт фанлари маркази олимлари инсоннинг кексайиш жараёнини тезлаштирадиган маҳсулотлар рўйхатини тузиб чиқишди.

## Кексаймаслик учун таомнома

Улар ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, газланган ичимликлар, қайта ишланган гўшт (колбаса, сосиска), қизил гўшт (стейк, гамбургер), алкоголь маҳсулотлари инсонда қариш жараёнини сезиларли даражада тезлаштириши маълум бўлган.

Ушбу маҳсулотлар ДНК тўқималарини турли зарарлардан асровчи хромосомаларнинг якуний қисмларини ўзгартириш орқали инсон умри қисқаришига сабаб бўлиши мумкин.

## МЕВАЛИ СОСИСКАЛАР СОТУВДА

Япониянинг Тотиги префектураси дўконларида лимон ва кулупнай таъмига эга сосискалар сотилмоқда.



Ишлаб чиқарувчиларнинг фикрига кўра, бу сосискалар энг сара гўшлардан тайёрланган бўлиб, уларга табиий ранг ва таъм берувчилар қўшилган. Уларнинг инсон саломатлиги учун ҳеч қандай зарари йўқ.

Сосискалар ҳатто болаларга ҳам тавсия қилинмоқда. Уларни қовуриш, қайнатиш ва иситиш мумкин.



## ФОТОФАКТ

### БИР САНТИМЕТРДА САККИЗТА ОЁК



Ҳинд ва Тинч океани чегараларида дунёдаги энг кичкина саккизоёқ яшайди. "Octopus Wolffi" саккизоёғи деб аталадиган ушбу кичик денгиз жониворининг катталиги қарийб 1-1,5 сантиметрни ташкил этади. Илк бор 1913 йилда топилган денгиз мўъжизаларининг бу тури вояга етганида атиги 1 грамм оғирликка тенг бўлади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Бош муҳаррир:  
**Чори ЛАТИПОВ**

**МУАССИСЛАР:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агрисаноат комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**ТАХРИР ХАЙЪАТИ:**

Шухрат ТЕШАЕВ, Улугбек УЗОКОВ, Соҳижон ТУРДИЕВ, Омонулло ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин КУДРАТОВ, Муса АНОРБЕКОВ, Абдивахоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Баҳодир ХОЛИҚОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

**ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:**

Қоракалпоғистон Республикаси — (+99890) 592-62-04; Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 401-29-59; Жиззах — (+99890) 310-06-99; Навоий — (+99891) 332-00-88; Наманган — (+99890) 278-95-87; Фарғона — (+99890) 407-76-03; Самарқанд — (+99893) 994-57-08; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.

**Реклама ва эълонлар:**

236-26-50,

233-28-04.



Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

**Навбатчи муҳаррир:**

А.ҚАРШИЕВ

**Мусахҳих:**

Ҳ.АБДУҒАНИЕВ

**Дизайнер:**

Н.ТЕМИРОВ

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади.  
Буюртма Г-1119,  
ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида  
босилди, қоғоз  
бичими А-3.

Манзилимиз:  
100000, Тошкент,  
Матбуотчилар  
кўчаси, 32-уй

E-mail:  
info@qishloqhayoti.uz

Босишга топшириш вақти: 21.00  
Босишга топширилди: 21.55  
15955 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг  
ўзида компьютерда  
терилди ва  
саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босма хонасида босилди.  
Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5